СОЦИОГРАВИТАЦИЯ: МОҲИЯТИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

К.А. Юнусов

Мақолада социогравитация қонунининг моҳияти, жамият ҳаётида амал қилиш хусусиятлари ёритилган ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти мисолида талқин қилинган. Мазкур қонуннинг жамият ҳаётида кишилар, оила, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, давлат ва давлатлараро муносабатларда намоён бўлиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *диалектика, объектив қонунлар, социогравитация, социодинамика, социологик қонунлар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий тизимлар, ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий уйғунлик.*

В статье исследуется сущность понятия "социогравитация" как объективная закономерность общества на примере социальной жизни Узбекистана. Рассматриваются её особенности на эмпирическом, общенаучном и общечеловеческом уровнях и проявления в общественном процессе.

Ключевые слова*: диалектика, объективные законы общества, социогравитация, социодинамика, социологический закон, социальная группа, социальная система, социальное соответствие, корпоративное партнёрство.*

In this article investigates essence of concepts "sociogravitation" as the objective law of society. Features of this law at the empirical, general scientific and universal levels and its manifestations in public process are studied.

Key words*: dialectics, objective laws of society, sociogravitation, sociodynamics, sociological laws, social groups, social systems, social compliances, corporate partnership.*

Олам ягона тизим бўлиб, ундаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуддир ва улар ўзаро алоқадорликда бўлади. Қуёш тизимидаги сайёралар курраи заминга, унда кечаётган барча ҳодисаларга: иқлим ўзгаришларига, микроорганизмлардан тортиб барча жонли табиатга, шу жумладан, инсон ҳаёти, унинг дунёга келиши, ривожланиши, улғайиши, саломатлиги, кайфияти, характери ва иш фаолиятига мунтазам ва жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек, табиий муҳитда рўй бераётган турли жараёнлар ижтимоий воқеликда ҳам катта оқибатларга олиб келади.

Жамият, ундаги кишилар ҳаёти ҳам бутун олам тортишиш қонунига бўйсунади. Ер – коинотнинг заррачалик бир бўлаги бўлиб, унда кечаётган ҳодисалар коинотдаги ўзгаришлар таъсирида бўлади. Социогравитацияга оид билимлар айнан ана шу жараёнлар ҳақидадир.

Ушбу жараёнлар объектив характерга эга бўлиб, бизнинг онгимиз, иродамизга боғлиқ бўлмаган қонуният тарзида кечади. Бу эса уларни англаб, ўрганиб бориш ҳамда муҳим тамойилларига амал қилиб яшашимизни тақозо этади. Акс ҳолда, ҳаётимизда, турмушимизда муайян қийинчиликлар, муаммолар юзага келиши мумкин. Баъзан эса йўл қўйган хатоларимизни ўнглаб бўлмайди ва натижада кўплаб кўнгилсизликларга дучор бўлишимиз тайин.

Худди табиатдагидек, кишилар, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, давлат ва давлатлараро муносабатларда ўзаро гравитация – тортишишга ёки, аксинча, ўзаро бир-бирларидан қочишга мойиллик бўлади.

Жамият ҳаётида рўй бераётган воқеликни унда амал қилувчи объектив қонунлар ва уларга таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар билан ўзаро узвий боғлаган ҳолда таҳлил қилиш, ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш муҳим илмий-назарий, методологик ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Жамият ҳаётида амал қилувчи объектив қонунларни икки турга ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Тарих қонунлари. 2. Ижтимоий қонунлар.

Тарих қонунлари деб инсониятнинг, хусусан, айрим давлат, миллат ва халқларнинг муайян бир тарихий ривожланиш босқичларидагина амал қиладиган, вақт ўтиши билан ўзгариб, бирининг ўрнига бошқаси келиб турадиган қонунларга айтилади. Ижтимоий-сиёсий тузум ўзгариши билан тарих қонунлари ҳам ўзгаради. Аввалги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумда амал қилган тарих қонунлари кейинги тарихий босқичда амал қилишдан тўхтаб, уларнинг ўрнида бутунлай бошқа тарих қонунлари амал қила бошлайди. Шунинг учун ҳам бу қонунлар тарихий характерга эга.

Мисол сифатида Ўзбекистон тарихида 1917-1991 йиллар давомида, 74 йил Шўролар тузуми ҳукм сурган даврда амал қилган тарих қонунларини келтириш мумкин. Бу даврда амал қилган қонун-қоидалар ва улар асосида шаклланиб, амал қилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг барҳам топди ва ҳозирда уларнинг ўрнида бутунлай бошқа қонун-қоидалар ҳукм сурмоқда. Бу хусусда аввалги мақолалари-

мизда фикр юритганмиз [3.12; 4.68], шу боис ушбу мақолада унга тўхталишни лозим топмадик.

Жамият ҳаётида амал қилувчи объектив қонунларнинг яна бир тури ижтимоий қонунлардир. Тарих қонунларидан фарқ қилиб, улар инсоният тарихининг барча босқичларида амал қилади. Жамиятнинг ижтимоий қонунлари, ўз навбатида, уч турга бўлинади: социогравитацион, социологик ва социодинамик қонунлар.

Бу қонунларни ўрганиш, уларнинг жамият ҳаётида, хусусан, инсон, шахс, оила, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, жамият, давлат ва давлатлараро – халқаро муносабатларда ҳамда уларнинг ривожланиш жараёнида амал қилиши, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Афсуски, фалсафа ва социологияга оид адабиётларда бу хусусда бирон-бир илмий талқинни деярли учратмаймиз. Шунинг учун ҳам айни мавзудаги фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга жазм қилдик.

Социогравитация (лот., “sosiotas” – жамият, лот. “gravitas” – тортилиш) қонуни диалектик таълимотнинг қарама қаршиликлар бирлиги ва уларнинг ўзаро кураши қонунининг жамият ҳаётида намоён бўлишини англатади. Фақат бунда материя ҳаракатининг бошқа турларида амал қилишидан бутунлай ўзгача тарзда кечади.

Социогравитация қонунининг жамият ҳаётида амал қилиш механизми нималардан иборат? Маълумки, гравитация қонуни, бутун олам тортишиш қонуни сифатида амал қилиб, бутун олам – коинот, хусусан, табиатда мавжуд барча материя кўринишлари мазкур қонуниятга бўйсунган ҳолда уюрмали ҳаракат қилади. Уюрмали ҳаракат гравитацияни юзага келтирувчи, асосий манба ва сабабчидир.

Социогравитация жараёнида кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини хуш кўриш, ёқтириш, севиш, муҳаббат, меҳр-оқибат, қўллаб-қувватлаш ёки буларнинг акси, инсонлар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик, ёмон кўриш, нафрат, ғазабланиш, адоват каби хусусиятлар ҳам намоён бўлади.

Табиатдагидан фарқ қилиб, жамият ҳаётида бу қонуният ўзига хос хусусиятларга эгадир. У ақл кучи, биоқувват, характер, темперамент, майл, таъб, одат, тарбия, дид, эътиқод, севги, муҳаббат, қизиқиш, ҳиссиёт, манфаат, руҳий кечинмалар ва шу каби ижтимоий-руҳий омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб гравитацион асосини ташкил қилади. Шундай муносабатлар асосида кишилар, оила, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, давлат каби ижтимоий тизимлар, бирликлар ўзаро бир-бирларига тортиладилар, яқинлашадилар, ўзаро муносабатда бўладилар ёки узоқлашадилар, зиддиятда, адоватда бўладилар.

Социогравитация қонуни – жамият ҳаётининг барча соҳаларида, ижтимоий тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам амал қилади. Кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам объектив ва субъектив омилларнинг мураккаб ўзаро таъсири оқибатида кечади. Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида шундай фикрларни ёзиб қолдирган: “...одамлар ўртасидаги боғланиш робиталари шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига аралашиб, қўшилиб кетмаслиги керак. Чунки турли халқлар худди ана шу хусусиятлари билан фарқланиб туради” [2.173]. Бундан кўриниб турибдики, узоқ ўтмишда яшаган олимлар социогравитация қонунининг кишилик жамияти ҳаётида амал қилиши тўғрисида муайян, аниқ тасаввурларга эга бўлганлар.

Қуйида социогравитация қонунининг шахслараро ва турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларида намоён бўлишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шахслараро муносабатларда рўй берадиган барча воқеа-ҳодисалар, кечинмалар, қандай кўринишда бўлмасин, охир-оқибат, социогравитация қонуниятига бўйсунади. Улар ўртасида кечадиган дўстлик, хуш кўриш, ёқтириш, севги-муҳаббат, фидойилик ёки, аксинча, ёқтирмаслик, нафрат, адоват кабиларнинг барчаси мазкур қонуниятнинг шахслараро муносабатларда намоён бўлишини англатади. Бундай муносабатлар замирида эса шахс фаолиятини бошқарувчи, социогравитацияни юзага келтирувчи муҳим омиллардан бири – турли манфаатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро тўқнашуви ётади.

Ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида мулкдорлар ижтимоий табақаси, уларнинг турли кўринишлари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган аҳоли қатлами тобора кўпчиликни ташкил қилиб бормоқда. “Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи ана шу соҳага тўғри келаётгани ва иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди” [1.49]. Бундан ташқари, юзлаб турдаги касб-кор эгалари ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маиший муносабатларга киришар эканлар, мамлакатда барқарорликни таъминлаш учун улар ўртасида ўзаро ижтимоий уйғунлик, шунингдек, корпоратив ҳамкорлик, бошқача қилиб айтганда, социогравитация мувозанати бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, ижтимоий ҳамкорлик ғояси – жамиятдаги ишлаб чиқариш, мулкий, касбий жиҳатлардан шаклланган турли ижтимоий тоифалар, табақалар-

нинг умуммиллат, жамият манфаатлари асосида ўзаро гравитацион боғлиқлигини англатади.

XX аср 90-йилларида дунё сиёсий харитасида рўй берган жиддий ўзгаришлар дунёнинг йирик давлатлари, империяча кайфиятдаги сиёсий кучлар ўртасида «дунёни қайтадан тақсимлаш, ўзга ерлар ва уларнинг бойликларига эгадорлик қилиш» учун курашнинг авж олишига сабаб бўлди. Ўзбекистонга ҳам мана шундай геосиёсий аҳамиятга эга, «энг катта ўлжа» бўлиши мумкин бўлган мамлакат, ҳудуд сифатида қаралди. Мустақил давлат сифатида 24 йилдан буён жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон ҳозирда ҳам ўзининг бой табиий ресурслари, меҳнаткаш ва содда халқи, бойликлари билан ўта туллак ва муғомбир кучлар эътиборини тортиб келмоқда. “Бугун биз, - деб таъкидлайди Юртбошимиз Ислом Каримов, - ғоят мураккаб, таҳликали ва қалтис бир замонда яшаётганимизни барчангиз яхши биласиз.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда, биз ҳушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилинмоқда” [1.273]. Юртбошимизнинг бу фикрлари Ўзбекистон мисолида давлатлараро социогравитация жараёнига ёрқин мисол бўла олади.

Социогравитация қонунияти, айниқса, оилавий муносабатларда, кичик ижтимоий гуруҳларда яққол намоён бўлади ва ўзининг амалий аҳамиятига эга.

Оила ижтимоий-руҳий, маънавий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисидан иборат бўлган жамоа бўлиб, жамиятнинг бир бўлагидир. Шунинг учун ундаги социогравитация холати ҳар қандай давлат ҳаётига, тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади.

Оилада эр-хотиннинг ҳар жиҳатдан ўзаро уйғунлиги, яъни социогравитацияси бир неча йўналишларда: жисмоний, жинсий, руҳий-психологик, ижтимоий ва маънавий соҳаларда намоён бўлади. Эр-хотин характер хусусиятларининг ўзаро мос келиши эса уларнинг мучал ва буржлари ўзаро мувофиқлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мучал ва буржлар эса инсон ва коинот объектлари ўртасидаги ўзаро узвий гравитацион боғлиқликни ўзида ифодалайди.

Социологик сўровлар ва олиб борган эмпирик-социологик тадқиқотларимиз шуни тасдиқламоқдаки, мучал ва буржлари ўзаро уйғун эр-хотинлар характери, руҳий-психологик жиҳатлари, жисмоний кўрсаткичлари ва жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ бўлиб, уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар мунтазам давом этади, улар узоқ йиллар биргаликда ҳаёт кечирадилар. Кўп йиллар биргаликда ҳаёт кечириш, қалбан яқинлик, ўзаро уйғунликда бўлиш оқибатида нафақат ички дунёси, ҳаттоки ташқи кўринишлари ҳам бир-бирларига жуда ўхшаб қолади. Бундай уйғунликдаги ҳаёт уларнинг ўзаро муносабатларига, саломатлигига, узоқ умр кўришларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон тиббиёт илмининг тасдиқлашича, мучал ва буржлари уйғун эр-хотинлар нотинч оилалардаги эр-хотинлар ва ажрашиб кетганларга нисбатан юрак-қон томир, асаб ва бошқа сурункали касалликларга кам учрар, энг муҳими, уларга қараганда ўртача саккиз йил кўпроқ умр кўрар эканлар.

Мучал ва буржлари ўзаро мос бўлмаган эр-хотинларда характери, ҳиссий майллари, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ихтилоф, зиддиятли хусусиятлар мавжуд бўлади. Шу омиллар туфайли бир-бирларини тушунишлари қийин кечади, оқибатда оилада турли зиддиятлар юзага келади. “Юлдузи юлдузига тўғри келмаган” эр-хотиндан туғилган фарзандлар тарбиясида ҳам турли қийинчиликлар пайдо бўлади. Эр-хотиннинг кўнгил ришталари кучли боғланмаган оилада жанжал, гина-кудурат одатий ҳол бўлади. Бундай муҳитда вояга етаётган болаларда салбий одатлар кучайиб боради. Кузатишларимиз, олиб бораётган социологик тадқиқотларимиз шуни тасдиқламоқдаки, бундай жуфтликларнинг қарийб 47 фоизи ажралишлар билан якун топмоқда. 2014 йилдаги оилавий ажралишлар 2013 йилдагига нисбатан 3993 тага кўп. Ачинарлиси шуки, уларнинг асосий кўпчилиги 5 йилгача бўлган ёш оилаларга тўғри келади.

Табиатда гравитация қонунига кўра жисмлардаги қарама-қарши қутбларнинг ўзаро тортишиш, бир хил қутбларнинг эса ўзаро бир-бирларидан қочиш хусусияти маълум. Магнитизм билан боғлиқ ҳодисалар фикримизга мисол бўла олади. Бундай хусусият тирик табиатга, мавжудотларга, жумладан, кишилик жамиятига ҳам хосдир. Тирик табиатдаги ҳар бир тур ўзининг қарама-қарши жинсига эга бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро тортишиш – табиий ҳолдир. Бунда социогравитация қонуни тўлиқ ва изчил амал қилади. Аммо ғарбда тобора кенг тус олиб бораётган бир хил жинсдагиларнинг оила бўлиб яшашлари – ғайритабиий ҳол бўлиб, социогравитация қонунига бутунлай зиддир. Еврокомиссия маълумотига кўра, Европа давлатлари аҳолисининг 44 фоизи бир жинсли оила тарафдори экан [5.1]. Францияда 2000 йилдан 2012 йилгача – 12

йил давомида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра 60 фоиз аҳоли (Канадада 75 фоиз) бир жинсли оилани ёқламоқда [5.3].

Интернет маълумотларига кўра, ҳозирда Англияда 15,5 мингта, Канадада эса 20 мингта (аҳолининг 2 фоизи) бир жинсли оилалар бор [5.3]. Кишилар ўртасидаги муносабатларда социогравитация қонуниятининг бундай тарзда бузилиши охир-оқибат маънавий фожеаларга, уларнинг ҳалокатига, жамиятнинг эса емирилишига олиб келиши аниқ.

Ғарб давлатларида "Оммавий маданият»нинг кучайиши, унинг турли кўринишлари социогравитация қонунининг амал қилишига путур етказмоқда. Фикримизга мисол сифатида қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Ҳозирда Ғарбда ота-оналар ўз фарзандлари билан бир суткада 15 дақиқагина ўзаро мулоқотда бўлар экан. Бу эса улар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганини билдиради. АҚШда ҳозирда 37 миллион нафақадагиларнинг ярми қариялар уйларида истиқомат қиляпти. Ачинарлиси шуки, улардан кўпчилигининг вояга етган фарзандлари бор [5.2].

Социогравитация кўп ёқлама таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиб, айниқса, инсон вужудида, унинг руҳий фаолиятида, характери ва кайфиятида ўзини кўпроқ намоён қилади. Айрим олинган шахс, ижтимоий гуруҳ, давлатлараро муносабатларнинг барчасида икки ва ундан ортиқ қутбли социогравитация амал қилади. Бир қутбли инсоний муносабатлар ва бир қутбли дунёга интилиш (масалан, АҚШнинг дунё миқёсида ягона ҳукмрон бўлиш йўлида олиб бораётган буюк давлатчилик сиёсати) – инсон ва инсоният учун ғайритабиий ҳолат, бу социогравитация қонуниятига мутлақо зиддир. Бундай субъектив омил инсониятни ҳалокатга элтади.

Социогравитация қонунининг намоён бўлиш хусусиятлари жуда мураккаб бўлиб, биргина мақолада уларни тўла ёритиб бўлмайди. Шунинг учун соҳа мутахассислари ушбу долзарб муаммо хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради, деган умидда қоламиз.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Социогравитация қонуни жамиятнинг объектив қонунияти сифатида кишилар ҳаётининг барча соҳаларида, ижтимоий муносабатларда амал қилади.

2. Жамият ҳаётининг қайси соҳаси бўлмасин, субъектив омиллар таъсирида кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда социогравитация қонуниятининг бузилиши охир-оқибат шу соҳа ёки тизимнинг емирилишига олиб келади (оилавий ажралишлар, меҳнат жамоасидаги ижтимоий-маънавий, руҳий муҳитнинг бузилиши, давлатнинг емирилиши кабилар).

3. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида социогравитация қонунининг изчил амал қилиши ижтимоий ҳамкорлик, барқарорлик ва уйғунликни таъминлайди.

4. Айрим олинган шахс, ижтимоий гуруҳ, давлатлараро муносабатларнинг барчасида икки ва ундан ортиқ қутбли социогравитация амал қилади. Бир қутбли инсоний муносабатлар ва бир қутбли дунёга интилиш инсон ва инсоният учун ғайритабиий ҳолатдир ва социогравитация қонуниятига мутлақо зиддир. Бундай субъектив омил охир-оқибат инсониятни ҳалокатга элтади.

5. Ижтимоий фалсафа, социология, психология, конфликтология каби фанлар доирасида жамиятда амал қиладиган социогравитация қонуниятининг механизмларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият ва долзарблик касб этади.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Т.: Ўзбекистон, 2015.

2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

3. Юнусов К. Тараққиёт омиллари.// Жамият ва бошқарув.- 2007.- №4.- Б.11-13

4. Юнусов К. Ўзбекистон тарихий тараққиётига таъсир кўрсатувчи омиллар. // АДУ Илмий хабарномаси.- 2008.- № 3.- Б.68-73.

5. http://korrespondent.net/world/.

6. http://www.proza.ru/2015/02/10/1615

7. http://grand.ru/blogs/free/entries/211639.html Иван Симочкин. Однополые браки: мифы и реальность. Часть вторая «Политики навязывают, а народ ропщет».

Андижон давлат университети,
2015 йил 30 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)